

УЎК 028.6(045)

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСРИДА МУТОЛАА
МАДАНИЯТИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ**

Халилова Наргиза

**Қарши давлат университети илмий – услубий ва ахборот – маълумот (даврий
нашрлар) бўлими АКТ бўйича етакчи мутахассиси
Ўзбекистон, Қарши**

Аннотация: Ушбу мақолада китоб мутолааси, мутолаа маданияти ҳақида, унинг инсон онги ва тафаккури учун нақадар фойдали машқ эканлиги ҳақида фикр юритилади. Мутолаа маданияти билан бирга китобхонликка ҳам катта урғу берилган. Инсон мутолаа қилганда унинг қалбида қандай кечинмалар кечиши, маънан қашшоқликдан маънан бойликка эришиши ҳақида, шахсий муаммолардан чалғиб бошқа оламга тушиб қолиши ҳақида баён қилинган. Китобхонлик билан мутолаа маданияти бир-бири билан узвий боғлиқ эканлиги фикрлар орқали баён қилинган.

Калит сўзлар: китоб мутолааси, мутолаа маданияти, инсон, китобхонлик, асар, маънавий, сўзлашув

**В ВЕК ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
ФОРМИРОВАНИЕ КУЛЬТУРЫ ЧТЕНИЯ**

Халилова Наргиза

**Ведущий специалист по ИКТ научно-методического и информационно-
справочного (периодических) отделов Каршинского государственного университета
Узбекистан, Карши**

Аннотация: В этой статье обсуждается чтение книг, культура чтения и то, насколько это полезное упражнение для человеческого разума и мышления. Наряду с культурой чтения большое уделяется чтению. Описано, какие переживания испытывает человек в своём сердце, когда читает её, как он идет от бедности к богатству, отвлекается на личные проблемы и попадает в другой мир. Через мнения констатируется, что культура чтения и чтение неразрывно связаны между собой.

Ключевые слова: чтение книг, культура чтения, человек, чтение, работа, духовный, беседа

**IN THE AGE OF INFORMATION TECHNOLOGY FORMATION
OF READING CULTURE**

Khalilova Nargiza

**Leading specialist in ICT, Department of Scientific-Methodological and
Information-Data (Periodic Publications), Karshi State University
Uzbekistan, Karshi**

Annotation: This article discusses book reading, the culture of reading, and how useful it is for the human mind and thinking. Along with the culture of reading, great emphasis is placed on reading. It describes what experiences a person experiences when he reads, how he moves from spiritual poverty to spiritual wealth, and how he becomes distracted from his personal problems and falls into another world. It is explained through thoughts that reading and the culture of reading are inextricably linked.

Keywords: reading books, reading culture, man, reading, work, spiritual, conversation

Кириш: Китоб мутолааси бу – инсонни фикрлашга ўргатувчи энг ишончли йўл. Ўзимизни турмушимизни эмас, балки ҳаёт жоловини онглироқ, мустаҳкамроқ тутиш учун ҳам кўп мутолаа қилишимиз керак. Мутолаа маданияти китоб ўқишдан кўра кенгроқ тушунчани англатади. Мутолаа асабни тинчлантиради, қалбни юмшатади, уйқусизликдан қутулишга ёрдам беради ҳамда нерв фаолиятини яхшилади. Мутолаа- мия учун энг яхши машқ.

Асосий қисм: Китобхонлик, мутолаа тадбиркор раҳбар таъкидлаганидек, шубҳасиз, инсоннинг маънавий камолотига эришувида муҳим воситадир. Мутолаа, унга меҳр қўйиш – келажак учун, бахт учун кафолатдир. Мутолаа туфайли китобхон бадий матнда акс этган воқеа - ҳодисадан хабардор бўлади.

Шарқ маданияти тарихида китобхонлик ҳамда мутолаа маданияти ўзига хос мавқеига эга соҳа сифатида эъзозланган. Сўзлашув услуби ва оҳангидан фарқ қилган ҳолда, мусиқийликка мойиллиги билан ажралиб турувчи қироатхонлик ҳам аслида мутолаа маданиятининг юксак чўққиларидан бири саналади. Профессор В. Ф. Асмус ўзининг “Китобхонлик – меҳнат ва ижод” номли мақоласида “Мутолаа вақтида асар бир кўзадан иккинчи кўзага қуйилган сув каби китобхон миясига қуйилиб қолмай, балки ижодкор китобхон томонидан қайта идрок этилади”,- деб таъкидлайди.

Бадий асарларнинг яшовчанлиги, аввало, муаллифнинг серқирра ижодкорлигига, асардаги воқеа-ҳодисаларнинг аниқ далиллар билан очиб берилишига, шунингдек, китобхонни ишонтира билиш қобилиятига боғлиқ. Мутолаа маданияти шахснинг уйғун яхлит ривожланишининг кўрсаткичи, унинг ижтимоий етуклиги шахснинг ижтимоий-коммуникатив ривожланишининг омили сифатида ишлайди. Китобни танлаш, уни тез ўқиш, авайлаб сақлаш, шахсий кутубхона ташкил этиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия эта олиш ҳам мутолаа маданиятига киради. Китобхон

асарни ўқиб маънавий озуқа олсагина, уни нимадир ўзига тортсагина, асарни бошқаларга ҳам тавсия қилади ва асарнинг яшовчанлиги узаяди.

Ҳозирги кунда кишиларда китоб ўқишга бўлган иштиёқ бирмунча сўнганлиги ҳақида турли фикрларни эшитиб турибмиз. Ҳаётни, атрофни кузатар эканмиз, гоҳида бу фикрларни тан олмай иложимиз йўқ. Биз бугун инсоният тараққиётининг баланд чўққисида турибмиз. Китоб мутолаасининг пасайиб бораётганлиги нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки жаҳоннинг бошқа давлатларида ҳам кузатилмоқда. Дунёдаги бу мутолаа “инқирози” ҳозирги кунда миллионларнинг бошини қотираётган иқтисодий инқироздан кам аҳамият касб этмайди, десак, муболаға бўлмайди. Китоб мутолаа қилмаган инсон маънавий қашшоқ ҳисобланиб, элга нафи тегмайди, баъзан у ҳатто хавфли инсонга ҳам айланиши мумкин. Китоб мутолааси ҳар доим инсонни психологик жиҳатдан ноёб фикрлар туғилишига, диққатни жамлашига, тасаввурни бойитишига ёрдам берган. Китоб мутолааси инсонга турли депрессион ҳолатлардан тезда чиқиб кетишига ёрдам беради. Мутолаа қилаётганда инсон ўзининг шахсий муаммоларидан чалғиб, мутлақо бошқа оламга тушиб қолади.

Тадқиқот услублари: Мутолаа маданиятини шакллантириш зарурати ўқувчиларнинг адабиётдан қандайдир янгиликни билиб олиш билангина боғлиқ эмас. Мустақил мутолаа жараёнлари миллий ўзликни ҳаётнинг туб моҳиятини англашиш фуқаролик бурчи ва ахлоқий нуқтаи назарини мустаҳкамлаш каби муштарак мақсадлар йўлида такомиллашиб ижтимоий-ахлоқий ва эстетик идеалларни ўзида акс эттиради. Бинобарин, китобхон ўзига кучли таъсир кўрсатган асарларни аллақандай қолиплар ёки таълимий дастурлар асосида эмас, балки ўзлигини таниш орқали ўрганмоғи муҳимдир. У бурч йўлидан эмас, ишқ йўлидан юрмоқи лозим. Бирон - бир дурдона асар машҳур бўлгани учун ва уни билмаслик уят саналгани учунгина бу асарни ўқиб чиқмоққа ўзини мажбур этмоқ хатодир. Аҳолида мутолаа маданиятини шакллантиришга мақсадли таъсир кўрсатилиши, назаримизда, охир-оқибат

юртдошларимизда умумий маданият даражасининг кўтарилишга ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг юксак маданиятли халқлари қаторидан ўрин олишига кўмаклашади. Мутолаа маданияти ижтимоий мақсадлар, эҳтиёжлар ҳамда мутолаа субъектлари интилишларининг ўзига хос уйғунлашувидир. Ҳозирги давр глобаллашув жараёнида мутолаа маданияти китобга кизиқишни, одамларнинг адабиётлар билан кенгроқ танишиш рағбатини, китоб ишлашда махсус билимга эга бўлишни, шунингдек, ахборот манбаларидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади

Машхур ўзбек болалар ёзувчиси Х. Тўхтабоев, “Тараққий этган хорижий мамлакатларда китобхонлик фан даражасига кўтарилган. Китобхонлик китобни тарғиб қилишгина эмас, балки китоб ўқитишни, ўқиладиган китобни танлай билишни, мағзини чақишни, яъни китоб ёрдамида ўзини англашни ўргатиш ҳамдир”, - деб ёзган эди. Ёзувчи айтганидек, ҳар бир китобхон ўзига ёққан китобни танлаб уни маъносини уқиб, маънавий озуқа олиш лозим. Китоб мутолаа қилган инсон маънавий баркамол, маънавий бой инсон ҳисобланади. Шунингдек, китобхон мутолаа қилаётганда ўз дунёқарашини ошириб, ўзгача қувват, ички хотиржамлик олади ва маданий хордиқ чиқаради.

Мутолаа жараёнида китобхоннинг шахсий ижодий тажрибаси, ижодий ўқиш усули ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зукко китобхон бадий сўзни тинглашни, кадрлашни, ундан завқланишни, ифодали сўзлаш ва ёзишни ўрганади. Мутолаа маданиятининг жамият олдидаги ўта муҳим вазибаларидан бири - тафаккур соҳибини тарбиялашдир.

Хулоса: Рус ёзувчиси А. И. Герцен мутолаа ҳақида шундай фикрларни баён қилади: “Мутолаасиз ҳақиқий билим йўқ, усиз на дид, на сўз, на кенг кўламли тушунча йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Гёте ва Шекспир бутун бир университетга тенг. Ўқиш давомида инсон асрларни бошдан кечиради”. Шунини айтишимиз лозимки, мутолаа қилмаган инсон энг маънавий қашшоқ

инсон сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Китоб мутолаа қилган ҳар бир киши ундаги воқеа ва ҳодисалар ичига киради, ундан ўзига керакли бўлган маънавий озукани олади, ҳаётда қоқилмасликка ҳаракат қилади.

Кишининг билими ошган сари у ҳаётга ўзгача кўз билан қарай бошлайди ва уни ўзгача идрок этади. Зеро, муаллиф айтганидек:

Бўлса гар ҳар кимнинг китоб улфати,

Мутолаа билан ўтгай фурсати.

Билинки, қанча вақт этса-да, давом,

Эрур алломалар билан суҳбати.

Ҳеч қачон китобга эгилмаган бош,

Гўёки чўп – гиёҳ ўсмас дала – тош.

Юрса йўли унмас ва қилган иши,

Вужуди саноксиз гумонга талош.

Фойдаланилган манбалар:

1. Жумаева С. /Мутолаа маданияти ва ифодали ўқиш/ ўқув кўлланма – Қарши: “Насаф” НМИУ 2021. 180 бет.
2. Каримова Х. “Китобхонлик-тараққиётга элтувчи йўл” “Маърифат” газетаси. 2025.№8.
3. Назарова Х. “Мутолаа инсонни ривожлантиради” “Ўзбекистон овози” газетаси. 2025 й. № 5
4. Султонова Б. “Илтимос, китобни қайтариб беринг!” “XXI аср” газетаси. 2025 й. №2.
5. Қобилов О. /Мутолаа хўжакўрсинга бўлса/ “Оила ва табиат” газетаси” 2025 й. № 1.
6. Safarov I. V. Geographical features of pilgrimage tourism (in the case of Kashkadarya region) //Экономика и социум. – 2023. – №. 2 (105). – С. 321-324.
7. Муртазаев Б. Ч. К вопросу изучения физико-географических процессов Юго-Западного Гиссарского хребта на примере Яккабогского лесничества //Экономика и социум. – 2022. – №. 11-2 (102). – С. 518-529.
8. Murtazayev B. Ch. "Qashqadaryo viloyati balandlik mintaqalarini tizimli yondoshuv asosida organish." *Экономика и социум* 5-2 (120) (2024): 465-476.
9. Safarov I. V. Developing in Mubarak district pilgrimage tourism //Экономика и социум. – 2024. – №. 5-2 (120). – С. 590-593.
10. WWW. natlib.uz.